



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

gazeta@adolat.uz

www.adolat.uz

№ 46 (906)

2012-yil, 16-noyabr, juma

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Собир Турсунов олиб борди.

Дастлаб, фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган **Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси** тўғрисида молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ахбороти тингланди.

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 19 январда республика ҳукумати йиғилишида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тизимли ва мақсадли амалга оширилганлигини таъкидлади. Мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ва Давлат бюджети параметрларининг муваффақиятли ижро этилиши таъминланаётганлигини алоҳида қайд этди. Таъкидладик, қатор ривожланган давлатларда давом этаётган инқирозий кўринишлар, улкан ҳажмдаги давлат қарзлари ва давлат бюджетининг ўта номуносиблиги билан боғлиқ бўлган сабоқлар мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган пухта, ҳар томонлама ўйланган солиқ ва бюджет сиёсатининг



Давлат бюджети лойиҳаси фракция муҳокамасида

яна бир бор тўғри ва самарали эканлигини тасдиқлайди. Охириги йилларда Давлат бюджети профицит билан бажарилиши республикада самарали амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсатидан, мамлакат тўлов балансининг барқарорлигидан далолат бериб, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Кун тартибидagi масала муҳокамаси доирасида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, кўрсатилаётган хизматлар, қурилиш-монтаж ишлари, капитал қўйилмалар ҳажмини, шунингдек, инфляция даражасини сақлаб туришни назарда тутувчи 2013 йилги макро-

иқтисодий кўрсаткичлар истиқболлари бўйича марказий иқтисодий ва молиявий идораларнинг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Иқтисодиётнинг юқори ўсиш ва барқарор суръатларини, макроиқтисодий мувозанатни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани изчиллик билан ривожлантириш, иш ҳақини олдиндан ошириб бо-

риш ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашни назарда тутувчи солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда ➤

Фуқароларнинг сиёсий иродасини ифодалаган

қомусий-ҳуқуқий ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратилди. Шу боис мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.



Давлат бошқарувида сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқий тартиб ўрнатишнинг роли бекиёсдир. Маълумки, давлат ва жамиятнинг энг муҳим ижтимоий қадрияти бўлган ҳуқуқ нормалари асосида сиёсий партиялар билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Айни шу маънода ҳам ҳуқуқ инсоннинг сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролини қучайтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида умумэтироф этилган ҳужжатларга оғишмай рия қилиб келмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари-га оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тан олиш ҳамда

уларни миллий қонунчилигимизга сингдириш борасидаги фаолиятимиз халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилаётганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Хусусан, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол", "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" қабилар сиёсий ҳуқуқларга оид халқаро ҳуқуқий қоида ва нормаларни ўз ичига олиб, унинг мазмун-моҳияти миллий қонунчилигимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Давоми 4-бетда ➤



Мағрур ҳилпирайвер, барҳаёт тимсол!

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Қадимданок туркий халқларнинг ўз рамзлари, шартли белгилари бўлган. Ушбу рамзларда турли тасвирлар ифода этилиб, улар халқ, миллат турмуш тарзи, руҳияти, анъаналари, тарихи билан узвий боғлиқдир.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, эрамининг 565-803 йилларида ҳукм сурган авар салтанатининг яшил байроғи марказида от устида камон отаётган жангчи тасвири, газнавийлар байроғининг яшил матосида ярим ойга боққан то-

вус тасвирланган. Амир Темур давлатининг байроғи эса мо-вий рангда бўлиб, унинг мар-казида дунёнинг уч қиъасини акс эттирувчи юмалоқ шаклда-ги жисм ифода қилинган.

Давоми 8-бетда ➤

Партиядошимиз барпо этган боғ

интенсив технология афзаллигини амалда намоён этди

Ташаббус ва самара

Яқинда Хоразм вилоятидан Самарқандга ташир буюрган бир гуруҳ илғор деҳқонлар, фермерлар ва фаоллар бу қўхна заминда ўрганишга, оммалаштиришга лойиқ кўпгина ташаббус ва тажрибаларнинг гувоҳи бўлишди. Хусусан, меҳмонларда Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги фаолияти катта қизиқиш уйғотди.



Давоми 6-бетда ➤

Бошқарувни такомиллаштириш таянчи

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрь кунги "Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда адолатли рақобат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳужжат бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик қўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган "Рақобат тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳа-лол рақобатни, товарлар (иш-рат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиги, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг де-ярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, табиий

монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган "Рақобат тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳа-лол рақобатни, товарлар (иш-рат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиги, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг де-ярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Давоми 2-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна давом этмоқда!

Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100.

Инновация — халоскор куч

у инсониятга фаровонлик, тўкин-сочинлик олиб келади, очлик-қашшоқликдан қутқаради

...яшил инқилоб даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқотлар ўтказилиб, янги технологиялар қўллана бошлагани яхши натижа берди. Айниқса, Жанубий Осиё, хусусан, Ҳиндистонда дастур самараси мақтовга лойиқ. Бироқ айрим минтақалар, масалан, ривожланишдан четда қолиб кетган Африкада янги инқилоб бошлаш вақти келган.

7 ➤

Партия ҳаёти

Давлат бюджети лойиҳаси фракция муҳокамасида

Давом. Боши 1-бетда

Алишер АКРАМОВ,
фракция аъзоси:



— 2013 йилги солиқ сиёсати, ўтган йиллардагидек, ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини янада пасайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисmini мустаҳкамлаш ва солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Солиқ юкини янада камайитириш бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг биринчи шкала бўйича энг кам ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтириш назарда тутилётгани, ўз навбатида жисмоний шахслар ихтиёрида қарийб 186 миллиард сўм, шу жумладан, энг кам иш ҳақининг 5 баробарида кам даромад олувчи 2,7 миллион кишига қўшимча 120 миллиард сўм даромад қолишига имкон беради. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бу Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳам-оҳангдир. Зеро, партия дастурида белгиланганидек, партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадларини изчиқлик билан қўлайитириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди.

Абдурафиқ АХАДОВ,
фракция аъзоси:



— Маълумки, 2009-2011 йилларда бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар-

ни ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал даромадлари 1,9 баравардан кўпроққа ёки шу даврдаги инфляция даражасидан анча юқори-роқ суръатларда оширилди. 2013 йилда ҳам аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш бўйича чораларнинг давом эттирилаётгани қувонарлидир. Бюджет ташкилотлари ҳисобчилари ва ҳуқуқшуносларининг 2013 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф ставкаларини кўтариш ҳисобига иш ҳақи миқдорининг ўртача 25 фоиз оширилиши назарда тутилиши, улар меҳнатини янада рағбатлантириш билан бирга жавобгарлигини кучайтиради, шунингдек, қўнимсизлигининг ҳам олдини олади. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг oilаси муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серурум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий сано-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз.

Феруза ОМОНОВА,
фракция аъзоси:

— Юридик шахсларнинг номдодий активлари, патент, ли-



цензия, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқалар мулк солиғи солиш объектидан чиқарилаётганига барчанинг диққатини тортмоқчиман. Чунки, бу ўз навбатида корхоналар фаолиятида инновацияларни кенг жорий қилиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Солиқ сиёсати концепциясига киритилган ушбу ва бошқа рағбатлантирувчи чораларни амалга ошириш, келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини 2012 йилда қўйилган 21,6 дан 21,3 фоизгача, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз бандга камайитириши таъминлайди. Бу ҳам айнан партия-миз илгари сураётган гоёларга тўла мос келади. Ушбу чоралар партия-миз дастурида белгиланганидек, инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этишга хизмат қилади.

Бюджет сиёсати ва 2013 йил учун Давлат бюджетининг асосий йўналишларида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолимоқда, аҳолининг турмуш ва даромадлари даражасининг янада ошиши, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш, шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишга қаратилган. Жами харажатларнинг 59 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳани молиялаштириш учун мўлжалланаётгани фракция аъзоларини бефарқ қолдирмади.

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига 313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва коллежларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилётгани, 1500 дан ортиқ умумтаълим мактаблари ва 700 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи замонавий ўқув инвентарлари, компьютер ва ўқув лабораториялари билан жиҳозланиши белгиланаётгани депутатлар томонидан алоҳида эътибор этилди. Келгуси йилда 54 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 137 та спорт зали ҳамда 25 та болалар спорт объектини қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш амалга оширилиши белгиланган эса ҳукуматимиз томонидан тизимга берилётган юксак эътибор сифатида қайд этилди.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
фракция аъзоси:

— Илм-фан соҳасига йўналтирилаётган маблағларни 2013 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз ҳажмида, жорий йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириб белгиланган тақдир қилинаётганини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, бу давлат илмий-техникавий дастурларини доирасида илмий-техника ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ҳамда фанни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш имконини беради. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, 2013 йилда таълим соҳасига ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси даромадларининг шакллантирилиши ва улар харажатларининг мақсадли сарф этилиши, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш лозим.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббий хизмат ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон ва озик-овқат-



га ажратилаётган маблағлар ҳақидаги масала, айниқса, фракция аъзолари томонидан кизгин муҳокама қилинди.

Маъмур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларининг маърузалари тингланди.

Таъкидландики, 2013 йилда 130 та ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринли 5 та сил санаторияси, шунингдек, 54 та туманда 5800 қатновга мўлжалланган ва 7600 нафар беморни қабул қиладиган тиббиёт муассасалари қурилиши ва реконструкцияси назарда тутилган. «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида Жаҳон банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдаги замонавий асбоб-ускуна, шу жумладан, рентген аппарати, рақамли ультратовушли сканер, биокимевий анализатор ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлашни молиялаштириш режалаштирилган.

Зухра БОТИРОВА,
фракция аъзоси:

— 2013 йилда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида ичимлик сувини етказиб бериш сифатини яхшилаш учун харажатларнинг 2012 йил учун белгиланган параметрларга нисбатан 2 мартаба оширилгани ва 654 километр узунликдаги сув қувурлари тармоғини ўтказиш кўзда тутилётгани аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори-дармонлар ва озик-овқат хара-



жатлари 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида 2012 йил учун тасдиқланган параметрларга нисбатан 1,15 бараварга қўлайитирилмоқда. Эътироф этиш кераки, 2013 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳаси ҳам ижтимоий йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, Давлат бюджети сарф-харажатлари қарийб 60 фоизни ташкил этиши инсон манфаатлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси мамлакатимизда устувор бўлиб келаётганлигини исботлайди. Буларнинг бари Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсадларига ва электроти манфаатларига мос келиши билан аҳамиятлидир. Шу нуктаи назардан бундан кейин ҳам ижтимоий йўналтирилган дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Қамолла ҲАМИДОВА,
фракция аъзоси:



— Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ўз сайлов округида сайловчилар билан учрашув ва тадбирларда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирларини ўтказилиши, санитария-гигиена меъёрлари, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши, тиббий хизматлар, ичимлик суви билан таъминлаш тизими ва даражаси ўрганилган эди. Аниқланган мавжуд муаммоларни бар-тараф этиш юзасидан туман ҳокимлиги, корхона, ташкилот раҳбарлари ва мутасаддиларига тегишли тавсиялар берилди. Шу ўринда алоҳида қайд этмоқчиманки, таълим муассасаларида давлат бюджетидан ажратиладиган 17 турдаги дори-дармон воситаларининг манзилли назоратини янада кучайтириш лозим.

Кизгин муҳокамадан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуктаи назаридан ўз таълими ва тавсияларини билдириб, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини маъқуллади.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири

Бошқарувни такомиллаштириш таянчи

Давом. Боши 1-бетда

Бу ишларни фаоллаштириш учун қилинаётган сано-ҳаражатларни жамлаш, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат институтларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Демак Фармоннинг шу жиҳатлари, яъни ижтимоий адолатни, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутгани билан ҳам Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва унинг электроти манфаатларига мос келади. Қўмита акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, айниқса иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол қатнашувини таъминлаш, бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда амалга ошириш чора-тадбирларини тизимли асосда йўлга қўйиш билан шуғулланиши ҳам ислохотлар самардорлигини таъминлайди.

Фармоннинг яна бир жиҳати, янги қўмита акциядорлик

жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари учун ихроэтувчи органларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш устида ишлайди.

Қўмита рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозоридан ва реклама соҳасида ноҳол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Бу тадбирлар ҳам жамиятимизда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш сари ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мавлуда НИШОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Қонун лойиҳасига бағишланди

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилмоқда. Тошкент давлат юридик институтидан ўтказилган семинарда жамоатчилик назорати ва унинг шакллари, илмий-назарий жиҳатлари ҳақида сўз борди.

Тошкент давлат юридик институтини ректори О.Мухаммадзонов мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тобора ривожланиб бораётгани жамоатчилик назоратининг кучайишига хизмат қиладиганини таъкидлади. Зеро, давлат ҳокимияти органлари устидан қўли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда субъектлар қатори ташкилий шакллардан фойдаланиши «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасида баён этилган. Давлат органларида мурожаат қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, қонунлар, дастурлар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бошқа қарорларининг жамоатчилик муҳока-

маси, жамоатчилик эшитувлари ана шундай шакллардандир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этган семинарда жамоатчилик назорати шакллари ва назарий асослари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизминини такомиллаштиришга оид масалалар илмий таҳлил этилди. Билдирилган тақдир ва мулоҳазалар асосида жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Депутат ташаббуси билан

5 та қишлоққа «зангори олов» келди

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, уларнинг электроти билан ўзаро алоқаларини яхшилаш мақсадида тизимли равишда сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда. Навбатдаги семинар-тренинг партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши ташаббуси билан Жондор туманида «Партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишдаги ҳамкорлиги натижалари» мавзусида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Бухоро вилояти тумон ва шаҳар партия кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров «Партиянинг маҳаллий органлари фаолияти ва жамиятни модернизациялаш ҳамда демократ-

лаштиришнинг янги босқичида партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган из-

чил ва барқарор ислохотлар қаторида партия томонидан олиб борилаётган сиёсат замирида электроти манфаати, эртанги кунни ёруғ бўлашти кенг назарда тутилётгани, дастурий гоёларимиз ижроси айнан шунга йўналтирилаётганлиги хусусида тўхтади. Маърузачи таъкидлаганидек, партия Сиёсий Кенгашининг IV пленумидан сўнг барча даражадаги партия кенгашлари жойлардаги депутатлик гуруҳлари, шунингдек, бевосита депутатлар билан яқин алоқада фаолият юритиш, маҳаллий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш ҳамда улар ечимини ўз зиммаларига олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган-ди. Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда муайян натижаларга эришилди. Бунга Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам яққол мисол бўла олади.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий кенгаш-лари депутатлигига сайланган партия аъзолари ўтказилаётган барча тадбирлар, жумла-

дан, сиёсий ўқувлар, семинар-тренинглар, турли учрашув ва юзма-юз мулоқотларда фаол иштирок эта бошладилар. Энг муҳими, бундай тадбирларда электроти вакиллари томонидан билдирилган тақдир ва муаммолар атрофида муҳокама этилиб, уларнинг ечимларини излаш ва амалий ҳал этишга жиддий қарала бошланди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Жондор тумани ҳокими К.Раҳимов туманда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши хусусида сўз юритиб, унда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар иштирокига юқори баҳо берди.

— Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партия-миздан сайланган 39 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда, — деди семинарда сўз олган Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси А.Турсунов. — Худудий кенгашлардаги депутатларимиз билан ишлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, сиёсий-иқтисодий билимларини мустаҳкам-

лаш, вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг бажарилишида фаол иштирок эти таъминлаш ва амалий ёрдам бериш вилоят кенгашимиз олдидаги бош вазифа қилиб белгиланган. Жойларда ўтказилаётган сиёсий ўқувларда вилоят кенгаши аъзолари ва партия-миз фаолларига Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, унга биноан зиммаларига юкланаётган масъулиятни вази-фаларини бажариш юзасидан амалий кўрсатмалар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, депутатларнинг гоёвий-сиёсий ва ҳуқуқий савиясини ошириш мақсадида сиёсий партиялар фаолиятига доир қонун ҳужжатларини ўрганиш юзасидан ўқув семинарлари ташкил этиб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида депутатларимизнинг сайловчилар билан учрашувларида, партия-миз дастурий гоёларини кенг халқ орасида тарғиб этишда қўл келмоқда.

Семинар-тренинг давомиди партиянинг Жондор туман де-

путатлик гуруҳи томонидан худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида олиб бораётган амалий ишларга, хусусан, халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутат Зафар Жумаев фаолиятига юқори баҳо берилди.

— Депутат З.Жумаевга 2009 йилги сайловларда катта ишонч билан овоз берган эдик, — дейди партия фаоли Шариф бобо Абдуллаев. — Ишончимиз самараси ўлароқ 2009 йилдан бери худудни ободонлаштириш, ёшларимизни ишга жойлаштириш, коммунал тўловлар масаласидаги камчиликларни ҳал қилиш, қолаверса, ичимлик суви ва табиий газ таъминотидаги муаммоларни бартараф қилиш бора-сида жуда катта ишлар қилинди.

Жумладан, депутат З.Жумаев округ худудидида жойлашган 5 та қишлоқ аҳолисини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммони ечишга ёрдам берди. Тегишли ташкилотлар ва ҳомийларнинг 150 миллион сўмлик кўмагини жалб этиш орқали ҳозирда фойдаланишга тайёр турган

газ тармоғини қуришга эришди. Маъмур жараёнда депутатнинг қўллаб ташкилий-техник, ҳуқуқий масалаларни ечишга тўғри келди.

Шунингдек, тадбирда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида кўзга ташланаётган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Семинар-тренинг сўнггида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси» қўрик-танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросимини тадбирга байрамона руҳ бағишлади. Қолаверса, Бухоро шаҳри ва Жондор туманидан партия дошларимиз сафига 100 нафар янги аъзолар қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати



Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси

Кўрик-танлов

Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг барча бўғин ва қатламларида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардандир. Бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ғоясини аёлларнинг иштирокисиз амалга ошириш мушкул, албатта. Бу борада аёлларда ижтимоий-сиёсий кўникмаларни янада чуқурлаштириш ва уларда барча йўналишларда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида эса сиёсий партияларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурида партия хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб-маҳоратиغا эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши, бу ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилиши устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Айнан мана шу дастурий мақсад ва вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан партия аъзолари бўлган хотин-қизлар

ўртасида «Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Айни кунларда ҳудудларда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти партия Кенгашида танлов ғолибалари аниқланди. — Мазкур танлов «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида яна бир амалий иш бўлди. — дейди «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси Комилжон Шодиметов. — Кўрик-танлов орқали партия ташкилотларида фаолият юритаётган фаол, изланувчан, интилувчан, атрофдагиларга ҳар томонлама ибрат, намуна бўла оладиган хотин-қизларни рағбатлантириш билан бирга, иштирокчилар орасидан келгусида давлат ҳокимияти органларига бўладиган сайловларда номзодини кўрсатиш

учун муносиб аёлларни танлаб олиш, шу аснода партия тизимидаги захира кадрлар таркибини фаол аёллар ҳисобига қўпайтириш ҳам асосий мақсад қилиб қўйилган. — Танлов давомида сиёсий ҳуқуқий билимларимиз, оила ва рўзғор тутиш борасидаги маҳоратимиз ҳамда бошқа соҳалардаги иқтидор ва салоҳиятимизни синовдан ўтказдик — дейди кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибаси Насиба Ғофурова. — Танловда ғолиб бўлиш билан бирга ўзим учун яна кўп нарсга ўрганишга муваффақ бўлдим. Мазкур танлов мамлакатимизда биз аёллар учун жуда катта эътибор қаратилиб, ҳамжўрлик кўрсатилаётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Шунингдек, партиянинг Навоий вилояти Кенгаши томонидан танловнинг Республика босқичи ўтказилди. Унда туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ғолиб деб топилган фаол аёллар беллашдилар. Ҳайъат аъзолари адолатлилик, очиклик, ошкоралик, рақобат мезонлари асосида иштирокчиларнинг ташаббускорлиги, дунёқарашининг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлиги, сиёсий саводхонлиги, амалга оширилган лойиҳалари жамоатчилик томонидан қанчалар эътироф этилганлигига баҳо беришди. Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим фани ўқитувчиси Гулҳаё Жамолова ўзининг суҳандонлиги, партия дастурий ғояларидан хабардорлиги, миллий удулларимиз ва

қадриятларимизни ҳурмат қилиши, ёш авлодни она Ватанга содиқ фарзандлар этиб тарбиялашдаги фаоллиги, юксак истеъдоди билан ҳайъат аъзолари ва танлов иштирокчиларининг эътирофини қозониб, ғолиб деб топилди ва танловнинг финал босқичига йўлланма олди.

Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг қатор ҳудудий Кенгашларида ҳам кўрик-танловнинг вилоят босқичи юқори савияда ўтказилмоқда. Иштирокчиларнинг ҳар бир шартга юқори даражада тайёргарлик кўрганликлари кўрик-танловнинг янада қизиқарли ўтишини таъминламоқда. Зўко аёллар танлаб, республика босқичига йўлланма олишмоқда. Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашидан Нукус шаҳридаги 16-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мунаввар Қабулова, Фарғона вилояти Кенгашидан Марғилон шаҳар Иқтисодий коллежи ўқитувчиси Мохидил Ҳакимова, Сурхондарёдан партиянинг Сароисё тумани кенгаши фаоли Гулсара Ҳафизова, Наманган вилоятининг Одинахон Абдуллаевалар танловнинг республика босқичида иштирок этадиган бўлишди.

«Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси» кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари бошқа вилоятларда ҳам қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП матбуот хизмати

Аъзолари фаол, иши самарали

Бошланғич ташкилотларда

Ташаббускорлик, ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқлар кўп бўлади. Бунинг пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси қошидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич партия ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.


Халқимизда «озгина-ю озгина» деган гап бор. Бу иборани бежизга эсламадик. Чунки биз сўз юритмоқчи бўлган БПТнинг аъзолари сони унчалик ҳам кўп эмас, лекин улар фаолияти эътиборга молик. Бу ерда партиявий ишлар аниқ режа асосида ўз вақтида амалга оширилади. Ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, партия мақсад-вазифалари, ғоялари тарғиботига бағишланган тadbирларнинг самарадорлиги юқори.

Бундай муваффақиятларга эришишда шифохона бош шифокори, БПТ етакчиси Бахтиёр Қодировнинг хизмати катта бўлмоқда. Уни одамлар кўнглига йўл топиб ишлашнинг ҳадисини олган инсонлардан, дейиш мумкин. Бахтиёр ака кўп йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиққан ҳолда БПТ аъзоларининг ҳар бирига индивидуал ёндашиб, ишни тўғри ташкил этишга ҳаракат қилади. У ўзи раҳбарлик қилаётган қўйи бўғин фаолиятини синчковлик билан таҳлил қилиб, бугун-эрта амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг режасини пиширтиб боради.

— Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотимиз 15 нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган, — дейди Б.Қодиров биз билан суҳбатда. — Биз аъзоларимизнинг фаоллигини янада оширишга, уларнинг касбий-партиявий малакасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки аъзолар қанчалик фаол, партия мақсад-вазифаларидан қанчалик хабардор бўлса, ишимизда ҳам ривожланиш бўлади. Ташкил этилган тadbирларимизда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тугган ўрни, партиянинг аҳоли кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш борасида амалга

ошираётган ишлари юзасидан фикр алмашиб, тавсиялар ишлаб чиқаямиз.

Аъзоларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилганлиги боис хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида «Адолат» СДП илгари сураётган ғоялари тарғиботи ҳам самарали бўлмоқда. Энг аввало, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш мақсадида мутахассисларни



жалб этган ҳолда ҳар ойнинг сўнги шанбасида интерактив тарзда давра суҳбатлари ташкил этиш аъзосини ўзининг ижобий самарасини берапти.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлаётганимда партиянинг мақсад ва вазифалари, ғоялари билан танишиб, касбий фаолиятимга, энг муҳими, дунёқарашимга тўла мос келишини англаган эдим, — дейди бошланғич ташкилот фаоли Феруза Алиева. — Ўтган вақт давомида партияга аъзо бўлиб тўғри йўл тутганимни англадим. Чунки ҳозир касбий фаолиятим билан бир қаторда ўзимнинг сиёсий билимларимни кенгайтиришга, аёллар манфаатини ҳимоя қилишга, партиямиз ғояларининг тарғиботида фаол қатнашишга ҳаракат қиламман.

Фаоллар шаҳар депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда маҳал-

ла ва ташкилотларда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Юртбошимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда соҳага доир бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратишмоқда.

— Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қўйи тузилмаларда ишга ёндашуви янгилаш асосий вазифа санала-

ди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Олмасор тумани кенгаши раиси Ўткир Ражабов. — Зеро, айнан бошланғич ташкилотларгина жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан хабардор ва, энг муҳими, уларни самарали ҳал этишда муҳим бўғин саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қўйи тузилмаларимиз ишини бир хилда ижобий баҳолаб бўлмайди. Аммо уларни фаоллаштириш бўйича аниқ режа туздиқ. Ишга нисбатан эскича ёндашувдан воз кечиляпти. Жойларда таъсирчан сиёсий ўқулар ташкил этилапти. Бугунги кун талаби бўйича қўйи тузилмалар етакчилигига сиёсий етук, масъулиятли кадрлар тайинланапти.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати



Замонавий технология

жадал тараққиётга хизмат қилади

Депутатлик гуруҳларида

Ўз дастурий ғояларини тарғиб қилиш орқали ижтимоий ҳаётга чуқурроқ кириб бориш, ислохотлар жараёнида аҳоли барча қатламлари иштирокига эришиш, уларнинг мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги фаоллигини ошириш мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП жойлардаги қўйи партия ташкилотлари фаоллари ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг сиёсий саводхонлигини тизимли равишда ва мунтазам ошириб боришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Мамлакатимизда ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш, тежамкор, замонавий технологияларни қўллаш кўлами тобора кенгайиб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, «Қайта тиклана-

диган энергия манбалари тўғрисида»-ги янги қонун лойиҳасини даврнинг ўзи тақозо этапти.

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Дастур-

да келтирилганидек, энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партия диққат марказида бўлади. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Мазлумки, соҳа мутахассислари томонидан мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга оид бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Бироқ мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун қонуний асослар зарур. Чунки муқобил манбалардан олинadиган энергиянинг қонуний асосларини яратиш, уни ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солиш соҳанинг янада ривожланишини таъминлайди. Демак, қонун лойиҳасини мукаммал тарзда ишлаб чиқиш — ниҳоятда долзарб масала.

Бу борада халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган тарғибот тadbирларида мазкур соҳада тажриба орттирган мутахассислар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маҳаллий ҳокимлик, манфаатдор ташкилотлар билан

ҳамкорликда жойларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда, айниқса, Сурхондарё иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноанъанавий энергиялардан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Воҳамиз қуёшли ўлка. Доминий шамол эсиб турадиган

очик майдонлар кўп. Бундай табиий салоҳият жаҳон миқёсида бугун тобора оммалашиб бораётган юқори самарали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда жуда кўп келади.

Депутат фаолияти давомида халқ манфаатларини қўлаб иш тутати. Бунда сайловчилар билан бўладиган учрашувларнинг аҳамияти катта, албатта. Сайлов округларида аҳолидан тушадиган муурожаатларнинг аксариятини газ, электр энергияси каби коммунал хизматларда учраётган муаммолар ташкил этади. Ана шундай вазиятларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу эса ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун вилоятимиздаги қўллаб таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида, аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа шохобчаларда шамол генераторлари, қуёш батареялари ўрнатилганини қўллаб урғатиш мумкин. Бунинг афзаллигини эса халқ аллақачон англади. Зиммамизда эса бу борада аҳолига амалий кўмак бериш масаласи турибди. Шу мақсадда депутатлик гуруҳимиз туман Кенгашининг на-

вбатдаги сессиясига аҳолининг шундай ускуналарни сотиб олишлари учун имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилиши масаласини олиб чиқиш устида қизгин иш олиб бормоқдамиз. Шу билан бирга, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлارга ҳам қуёш батареяларини ўрнатишни қурилиш ташкилотлари лойиҳаларига киритиш ҳам ўрин олган. Бу эса, ўз навбатида, муқобил энергия манбаларини оммалаштиришга хизмат қилади.

Партиянинг бу борадаги ғояларини ёшларга тушунтириш, уларда соҳага қизиқиш уйғотиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда, десам муболаға бўлмайди. Депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан нафақат туманимизда, балки яқин туман ва шаҳарларда «Иқтидорли ёшлар» кўрик-танловини ташкил этиш-шимизнинг боиси ҳам шунда. Танловда ўнлаб ёшлар ўз ишланмалари билан иштирок этишди. Бу уларда ўзаро тажриба алмашиш, ўз иштироларини янада такомиллаштириш, уни оммалаштиришга хизмат қилади, албатта.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятимизни янгилаш жараёнлари қиз-

Воҳамиз қуёшли ўлка. Доминий шамол эсиб турадиган очик майдонлар кўп. Бундай табиий салоҳият жаҳон миқёсида бугун тобора оммалашиб бораётган юқори самарали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда жуда кўп келади.

гин кечаётган бугунги давр биз депутатлар олдига ҳам ниҳоятда долзарб ва муҳим вазифаларни қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг дастурий кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш депутатларимизни янада ташаббускор, янада қатъиятли ва фидойи бўлишга ундайди.

Санжар НУРИЕВ, Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Ҳуқуқ

Мамлакатимиз барча фуқаролари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш арафасида турибди. Зеро, Конституция қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялашда дастуруламал ҳужжат вазифасини ўтайди.

Мустаҳкам оила кафолати

Конституцияга мувофиқ давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, қасба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади. Шунингдек, давлатимизга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларга риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси юкланади.

Асосий қонунимиз ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши кўзда тутилган. Зотан ҳеч қайси мафкура, давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу Конституциявий ҳолат бизнинг миллий истиқлол мафкурасини яратишимизда асосий меъёрий мезон вазифасини ўтайди.

Конституция халқнинг тарихий, ҳуқуқий, маънавий таърибаси ва аъёнлари билан узвий уйғунлашган ҳолда юзага келади. Натижада асосий қонунимиз шiori шаклидаги ва баҳоловчи қоидаларнинг кескин камайтирилгани билан бошқа ривожланган давлатлар Конституцияларидан алоҳида ажралиб туради.

Мана 20 йилдирки, Ўзбекистон Конституцияси ҳаёт сини муваффақиятли ўтиб келмоқда: Ушбу давр мобайнида Конституция фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлик, шахс ва сайлов эркинлиги кафолат, барқарор сиёсий вазиятга эришиб келаётганимизнинг пойдевори сифатида хизмат қилмоқда. Мамлакатда ҳавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳуқуқий яхлитлигини, барчамизнинг тинчлигимиз ва юртимиз оқибатлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам белгиланган. Унга кўра фуқароларимиз Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳурмат қилиши, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меъро-

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси

сини авайлаб-асраши, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, солиқ ва маҳалла йиғимларини тўлаши, Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиши лозим.

Шунингдек, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила, никоҳ ва ота-оналарнинг бурчи, уларнинг вазифалари ҳамда фарзандларнинг ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари "Оила" тўғрисидаги алоҳида бобда киритилган бўлиб, унинг асосини давлат таъини бўлган мустаҳкам, соғлом оила ташкил қилади.

Конституциянинг 63-моддаси ниҳоятда теран маънога эга: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга". Жамият ва давлатнинг оила ҳусусидаги ғамхўрлиги, авваломбор, давлат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳоти чора-тадбирларнинг бош мақсади оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборатдир.

Оила қуришнинг биринчи омили ёшларнинг оила ва никоҳ тушунчасини, унинг мақсадини билишидир. Чунки диёримизда ҳар бир киши оилада туғилади, камолотга эришади. Мустақил республикашиз келажагига ўз ҳиссасини қўшаётган шахс, энг аввало, оилада тарбияланади. Оила никоҳдагиларнинг ўртасида аҳиллик бўлсагина мустаҳкам бўлади. Оилада бола дунёга келиши билан ота-онанинг фарзанд ва жамият олдидagi бурч доираси кенгайди, оқибатда оилани мустаҳкамлаш, болаларга тўғри тар-



бия бериш масъулияти вужудга келади.

Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Зеро, жамият асоси — оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлиги бориши гоят муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, инсон учун бу дунёда оиладан ҳам муқаддас ва азиз маскан йўқ. Шу боис муқаддас гўшани асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Эркин ХОДЖАҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Фуқароларнинг сиёсий иродасини ифодалаган

қомусий-ҳуқуқий ҳужжат

Давоми. Боши 1-бетда

Шу маънода айтганда, Ўзбекистон миллий қонунчилиги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқнинг талабларига тўла мосдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик жамият тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳуқуқнинг роли, энг аввало, қонунчилиги янгилаш ва уни ривожлантиришда ёрқин намоён бўлмоқда. Миллий қонунчилиги яратиб иқтисодий, сиёсий ва

қарувиға кўмаклашди, ошқоралик асосида жамоатчилик назоратини таъминлашда муҳим конституциявий восита вазифасини бажаради.

Донишмандлар таъбири билан айтганда, "Ҳамма қобилиятларнинг сарвари фикрдир". Демак, жамиятда фикр ва қарашлар хилма-хиллигига эришиш учун ана шундай қобилиятни намоён қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳам бекиёсдир.

Сиёсий партия ўзининг ҳуқуқий табиатиға кўра, **биринчидан**, жамоат бирлашмаси, **иккинчидан**, жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишиға йўналтирилган институционал тузилма. Фуқароларнинг сиёсий иродасини ифода этишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида партиянинг асосий мақсади жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий онги ва тафаккурини ўстириш, улар фикрини ифода этиш, яъни давлат ва жамият ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажаришдан иборатдир. Фуқароларнинг эрки-хоҳиши улар сиёсий интилишларини қўзғатувчи омил сифатида, сиёсий партияларға кўнгилли бирлашиш асосида давлат бошқарувида иштирок этишға ундайди. Партия мамлакатдаги сиёсий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч саналади. Бу эса жамият импульсини аниқлаб, фуқароларни давлат бошқарувида фаол бўлиши билан боғлиқ сиёсий интилишларни рўёбга чиқаришға чорлайди. Сўда қилиб айтсак, партиянинг асосий мақсади давлат ҳокимиятида инсон манфаатларини намоён бўлиши демакдир. Энг муҳими, яратилган қонуний асос партиянинг роли ва таъсирини кучайтириш баробарида жамият томонидан уларға бўлган ишончининг ортишини таъминлайдиган муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади.

Қонунчилигимизда сиёсий партиялар ролин кучайтиришға оид рўй бераётган янгиликлар жамиятимизда сиёсий ҳамжиҳатлик ва сиёсий барқарорлиқнинг ҳуқуқий негизи сифатида сиёсий қарашларни эркин ҳолда ривожлантиришға, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришға энг муҳими, аҳолининг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришға ёрдам бе-

ради. Сиёсий партиялар ролин кучайтириш аҳолининг давлат ва жамият бошқарувида улар фаоллигини янада оширишни зарурият қилиб қўяди. Сиёсий партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида мутасил жонлантириб, уларнинг сиёсий онги ва фаоллигини ошириб борса, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда роли ва таъсири тобора ортиб бораверади.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари нафақат фуқароларнинг интилишларини, балки улар иродасини ифода этадиган кўнгилли бирлашмаларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини янада кучайтиради. Қолаверса, давлат бошқарувида улар фаол иштирок этишда ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади. Сиёсий партиялар халқ иродасини янада самаралироқ ифода этишға, демократия устунини ва нишонини сифатида давлат бошқарувида улар иштирокини фаоллаштиришға, ёш авлод орасида сиёсий етакчиларни ўстиришға ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишға хизмат қилади.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурияти ва аҳамиятини тизимли таҳлил этиш куйидаги ҳулосаларни чиқаришға ёрдам беради. Хусусан:

— миллий-ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан сиёсий партиялар ҳуқуқи институти-ни ривожлантириш баробарида энг муҳим давлат қарорлари қабул қилинишда сиёсий партиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини кучайтириш;

— сиёсий партияларнинг қонун лойиҳасини муқобил тахирини киритишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва бу борада мунтазам мониторинг юритиш;

— мамлакатимизда сиёсий партияларнинг вужудға келиши ва тадрижий ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда унинг истиқболини белгилашнинг конституциявий асосларини янада кучайтириш баробарида ташкилий-ҳуқуқий механизмларни амалиётда

қўллаш самарадорлигини ошириш;

— фуқароларнинг сиёсий онги ҳамда сиёсий фаоллигини янада кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тўлақонли ишға солиш;

— сиёсий партияларнинг жамоатчилик назорати бўйича роли ва таъсирини оширишға эришиш; сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ўзаро муносабатларини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш;

— сиёсий партиялар фракцияларининг парламент фаолиятида иштирокида улар аъзоларининг касбий маҳорати, амалий иш кўникмаси ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

— сиёсий партиялар фракцияларининг тушунчаси, моҳияти ва улар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

— сиёсий партияларға оид қонун ҳужжатлари мониторинги бўйича тадқиқот ишларини амалга ошириш;

— парламентдаги муҳолифатнинг илмий-назарий ва методологик асосларини тизимли таҳлил этиш; сиёсий партиялар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш асосларини ўрганиш;

— хорижий ва ҳамдўстликдаги давлатлар сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини қиёсий таҳлил этиш;

— партия раҳбарлари ва фаолларини махсус ўқув дастурлари асосида ўқитишни ташкил қилиш;

— фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги ҳолатига баҳо бериш мақсадида мунтазам социологик тадқиқот ва сўровлар ўтказиш қабилар шулар жумласидандир.

Ҳулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг самарадорлигини оширишға хизмат қилади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
юридик фанлари доктори, профессор

Махфийлик сақланади

Нотариат ва қонун

Республикаимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ҳуқуқий янгиланиш ва тараққиётнинг мустақил ва ўзига хос йўли танланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларни ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий тартибға солишнинг яхлит тизими шаклланимўқда.

Жумладан, катта ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниди. Бу нотирият ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон мустақиллиги тобора мустаҳкамланиши, иқтисодийнинг барқарор суръатлар билан юксалиши, одамларнинг моддий ва ижтимоий турмушидаги ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлиги, тарихий, миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши, жамиятнинг демократиялашуви, мамлакатимизнинг халқаро майдонда мавқеи ва салоҳияти тобора ошаётганлиги билан тасвиқланувчи бир тарихий даврнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида амал қилмоқда.

Бу жараёнда нотариат идораларининг фаолияти ва улар олдига қўйилган вазифалар ҳам муҳим роль уйнайди. Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни-нинг 1-моддасида: "Ўзбекис-

тон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашға даъват этилган ҳуқуқий институтдир", дейилган.

Нотариатнинг қонунчилик билан боғлиқ фаолиятини биз нотариал ҳаракатларнинг мазмунидан ҳам кўришимиз мумкин. Барча нотариал ҳаракатлар қонун доирасида амалга оширилади.

Бундан ташқари, нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муноса-

бати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошқор қилиши, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошқор қилиш тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар қимминг номидан ёки қимминг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, уша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришға ва терроризмни молиялаштиришға қарши курашиш билан боғлиқ амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органиға тақдим этилади.

Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибда фуқаролар мулкига ўта-

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришға ва терроризмни молиялаштиришға қарши курашиш билан боғлиқ амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органиға тақдим этилади.

ётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органиға тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Мадина АЛЛАНОВА,
Самарқанд туманидаги 1-сон ДНИ ходими

Ижтимоий ҳимоя

Доимий эътиборда

Ногиронлар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўртимизда уларнинг яшashi, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган.

Бу борада Деҳқонбод туманида ҳам бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида ҳудудимизда истиқомат қилиб, туман бюджетидан ташқари пенсия жамғармаси бўлимида пен-

сия ва нафақа олиб келаётган ногиронларни қайта кўриқдан ўтказиш жараёнида 247 нафар ногиронларнинг саломатлиги яхшиланганлиги ва меҳнатга лаёқати тикланганлигини инобат олган ҳолда ногиронлик гуруҳлари бекор қилиниб, ишга йўлланма берилди. Ўтган вақт оралиғида ТМЭК томонидан 27 та ногиронлар аравачаси, 7 та кўлтиктаёк, 10 та ҳассаларға тавсия берилиб ҳаммаси таъ-

минланмоқда. Шунингдек, 9 нафар ногиронға касб ўрганишға йўлланма берилиб, ҳозирги пайтда 7 нафари ўқимўқда.

Ходимларимиз ногиронликнинг ва ногиронликка олиб келувчи касалликларнинг олдини олиш бўйича жойларда маърузалар ва суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Шу каби ишларнинг самараси ҳозирги кунда ногиронларнинг сони камайишға олиб келганлиғида яққол кўринапти.

Чори НУРМАТОВ,
Деҳқонбод туманлараро 33-сонли ТМЭК раиси

Мақсадимиз саломатликни тиклаш

Республикаимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, фуқароларға сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Булар, албатта, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлиғи ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёға келтириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида. Хусусан, ногиронларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам шулар жумласидандир.

Айни пайтда тиббий меҳнат экспертиза комиссиямиз хо-

димлари томонидан ногиронликни ўз вақтида аниқлаш, белгилаш ишлари олиб борилмоқда. Барча ишлар «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқаруш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришға, ногиронлиқни ва касбий меҳнатға лаёқат йўқотилиши даражасини

аниқлашға йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлар асосида олиб борилапти.

Ходимларимиз давосал профилактика муассасалари билан биргаликда туманлардаги касалланиш ва ногиронлик аҳолини доимий таҳлил қилмоқда. Шу мақсадда жамоатчилик билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ботир ЖЎРАЕВ,
Чирокчи туманлараро 37-сонли ТМЭК ходими

Оммавий ахборот воситаларининг янада демократлашуви

адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади

Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Шу боис истиклол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг аҳолиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ўнга яқин қонун ҳужжатлари, айниқса, Конституция фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйхатга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамоҳанг такомиллаштириш бўлаётгани миллий матбуотимизни янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислохотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлаётган.

Соҳа ривожини йўлида кўрсатилган ҳамкорлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзига босма нашрлар сони икки, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди. Агар 1991 йилда мамлакатимизда уларнинг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1292 тага

етди. Эътиборлиси шундаки, уларнинг олтидан фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этади. Веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинмоқда. Жорий йилнинг 1 октябры ҳолатига кўра, уларнинг сони эса 190 га етди.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш натижасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлига қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, медиа-соҳага бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга доир узоқ муддатли лойиҳаларни амал-



га оширишни таъминлайдиган, демократик талаб ҳамда стандартларга мос қонунчилик базасининг яратилгани ушбу йўналишда алоҳида муҳим ўрин тутаётган.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташқилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга тааллуқли қонунчилик такомиллашмоқда.

Айни пайтда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида» ҳамда «Оммавий

ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, турли халқаро ва республика конференциялари, давра суҳбатларида қўриб чиқилмоқда.

Ўрни келганда, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмалар, нашриёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатуви ташкилотларини янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай эътибор ва имкониятлар ўз навбатида, соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгилаш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка ҳолисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади. Мухтасар айтганда, 2012-

2016 йилларга мўлжалланган, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириллапти.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Чунки ОАВ эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш борасидаги партиямиз дастурий гояларининг ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топишига хизмат қилади. Қолаверса, ушбу принципларни таъминлашга қаратилган давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувиини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат этиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва роли катта.

Зеро, оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда давлат қурилиши бўйича изчил ва босқичма-босқич амалга оширилётган бу каби ислохотлар эса жамиятимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида улар фаолиятини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Сўранг, жавоб берамиз

— Мен меҳнатга қобилиятсизман, яшаб турган уйим ўзимнинг номимда. Номимдаги уйимни бировга менга қараб туриш шарти билан ўтказсам бўладими?
Н.Солиева, Сирдарё тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 530-моддасига кўра сиз меҳнатга қобилиятсизлигингиз сабабли ўз уй-ингизни Сизни моддий таъминот билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга топшириб, бу ҳақда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси тузишингиз мумкин.

— Мен ўзга шахс билан нотариал идора томонидан ўзимга тегишли бўлган уй-жойга нисбатан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномаси расмийлаштирганман. Лекин мажбурият олган шахс вафот этди. Шартнома шартлари қандай бўлади?
С.Топматова, Гулистон шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 534-моддаси талабига кўра мажбурият олган шахс вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси мажбуриятлари унинг ворисларига ўтади. Агарда олувчининг ворислари бўлмаса ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси мажбуриятларини бажаришдан бош тортсалар унда уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Саволларга Ховос тумани ДНИ нотариуси
Шириной ҚАРИШИЕВА жавоб берди.

— Лизинг шартномаси бўйича олинган мол-мулк сифатсиз чиқса ким жавобгар бўлади?
Бобомурод АБЛАЕВ
Тошкент вилояти

— Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан, мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда, лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди. Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида солидар кредиторлар бўлади. Агар лизинг шартномасида бошқада тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз ҳоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли.

Саволга Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ДНИ нотариуслари
Абдухалил ШАРИПОВ,
Зебунисо МАХМУДОВА жавоб бердилар.

“Қаноти” қайрилганлар

Божхона бекати

Мамлакатимизда аҳолининг товук гўштига бўлган эътиёжи нафақат ички имкониятларимиз орқали, балки, ташқаридан ушбу маҳсулотни импорт қилиш орқали ҳам қондириб келинмоқда. Аммо паррандочалик саноати ривожланган айрим мамлакатларда товук гўштининг сифати тобора шубҳали тус олаётгани кишини ўйлантиради.

Хусусан, товукларнинг семиришини сунъий тарзда жадаллаштириш мақсадида улар тез ўстирувчи гормонлар, гени ўзгартirilган маҳсулотлар ва кимёвий озуклар билан озиклантирилмоқда. Мутахассислар эса бундай гўштининг кўп истеъмол қилиниши инсон организмнинг эндокрин ва иммун системаларига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, келгусида наслдан наслга ўтувчи турли касалликларнинг келиб чиқиши хавфидан огохлантирмоқда.

Республикамиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланганга ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган товук гўштининг олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Масалан, Фарғона туманида фуқаро А.Арслонов бошқарувда ҳаракатланаётган “Нексия” автомашинаси тўхтатилиб текширилганда, унга божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 208 килограмм музлатилган товук гўшти ортилгани аниқланди.

Яна бир ҳолатда эса фуқаро М.Ахмедов бошқарувдаги бошқа бир “Нексия” ўз “қаноти”да муқаддам айланма йўллар орқали олиб кирилган 325 килограмм товук гўштини ноқонуний равишда олиб кетаётганлиги фош қилинди.

Шунингдек, фуқаро Б.Жамолдинов “Эсперо” сига, фуқаро Ш.Муллабоев эса “Нексия”-сига бир хил миқдорда — 420 килограмдан ортилган товук

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬНСКОГО ОБЛХОКОМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

1. Кап. реконструкция профессионального колледжа банковского дела (пристройка общежития на 100 мест) в г.Карши Кашкадарьинской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком — 8 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 869.152.000 сум без НДС, 1.042.982.400 сум с НДС.

2. Капитальная реконструкция ЦГСЭН Дехканбадского района Кашкадарьинской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком — 7 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 783.724.587 сум без НДС, 940.469.504 сум с НДС.

3. «Реконструкция профессионального колледжа промышленности и энергетики Г.Нуристан Нияшанского района (пристройка учебного блока на 360 уч. мест)».

Срок окончания работ, установленный заказчиком — 8 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.153.374.110 сум без НДС, 1.384.048.932 сум с НДС.

4. Строительство профессионального колледжа сферы услуг на 360 уч.мест в с. Карлик Мубарекского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 2.780.082.330 сум без НДС, 3.336.098.796 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев.

5. Кап. реконструкция областного онкологического диспансера в г. Карши Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 3.961.077.582 сум без НДС, 4.753.293.098 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 16 месяцев.

6. Реконструкция профессионального колледжа информационных технологий в г. Карши (пристройка общежития на 100 мест).

Стартовая стоимость заказчика составляет 769.524.417 сум без НДС, 923.429.300 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 7 месяцев.

7. Реконструкция общежития Академического лицей №4 при Каршинском Государственном университете в г. Карши Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 776.536.658 сум без НДС, 931.843.990 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 7 месяцев.

8. Кап. реконструкция областного психоневрологического диспансера №1 (II этап) в г. Карши Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.203.155.294 сум без НДС, 1.443.786.353 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 7 месяцев.

Лот №27-1. Кап. реконструкция школы №70 (новый учебный блок на 120 уч-ся) Касанского района Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 284.793.033 сум без НДС, 341.751.640 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Лот №27-2. Кап. реконструкция школы №1 на 700 уч-ся (с пристройкой нового учебного блока на 180 уч-ся) в г. Китабе Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 685.197.463 сум без НДС, 822.236.956 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 6 месяцев.

Финансирование осуществляется за счет: Фонд реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского областного комитета.

Адрес: г. Карши ул. «Ўзбекистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-51, 227-18-51.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500 млн.сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн. сум при

прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.

Предприятия и организации выступавшие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу —

г.Карши Ханабдское шоссе дом №6. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления,

в здании заказчика по адресу — г.Карши ул. «Ўзбекистон Овози газетаси» дом 3.

Реклама

Жараён

Инновацион фаолият:

қонунчилик базасини такомиллаштириш — долзарб вазифа

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва «Адолат» СДП ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида «Инновация фаолияти қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг асосий жиҳатлари» мавзусидаги республика илмий-амалий семинари ташкил этилди.



«Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур семинарни «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров кириш сўзи билан очди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда илм-фан ривожланишига кенг йўл очиб берилгани ва шу билан биргаликда ҳар қандай жамият тараққиётида инновациялар асосий рол ўйнашини алоҳида таъкидлади.

— Партиямиз дастурида мамлакатимизда инновация турдаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа этиб белгиланган, — деди И.Саифназаров. — Маълумки, инновацияларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш орқали миллий иқтисодиётимизда ҳар йили 8 фоиздан кам бўлмаган ўсишнинг гувоҳи бўламиз. Бу эса инновация ва инновацион фаолиятнинг миллий иқтисодиётимизда муҳим аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунга қарамайдан, инно-

вация ва инновацион фаолиятни тартибга солишчи аниқ бир қонун қабул қилинмаган. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш коопераци»га асосан қирқдан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, улардан бири — «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонундир. Айни пайтда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси мазкур қонун лойиҳасининг мукамал ишлаб чиқилишида фаол иштирок этмоқда.

Ушбу қонунга мувофиқ, инновация ва инновацион фаолият билан шуғулланишнинг аниқ тартиби ишлаб чиқилиб, мазкур фаолият билан шуғулланувчи шахсларга бир қатор имтиёз ва преференциялар бериш ҳам назарда тутилган.

Солиқ академияси катта ўқитувчиси К.Орибеков ўз маърузасида инновация жараёнларини янада рағбатлантириш мақсадида бир қатор имтиёзлар тақдир этилаётганли-

гини эътироф этди. Жумладан, корхона ва ташкилотлар (шунингдек, патент эгаси) томонидан ўз ишлаб чиқаришида иxtиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқларидан фойдаланиш натижасида олинган фойдага солиқ солмаслик, микрофирма, кичик ва оилавий корхоналар шахсан ўзлари ёки илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан интеллектуал фаолият натижасида яратган иxtиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ноу-хау ва селекция ютуқларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш натижасида олинган даромадга (яппи тушум) уч йил мобайнида солиқ солмаслик, барча ҳўжалик субъектларида барпо этилган модернизация ва янги технологиялар жамғармаси

маблағлари ҳисобидан яратилган инновацион ишланмаларни реализация қилиш обротини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш кўзда тутилмоқда. Корхона ва ташкилотларда номоддий активлар сифатида ҳисобга олинган иxtиролар, фойдали моделлар, ноу-хау, селекция ютуқлари ва бошқа патентлар қийматини мол-мулк солиғидан озод қилиш, илмий-техник махсулотларни яратиш мақсадида илмий-тадқиқот, тажриба ва эксперимент ўтказиш учун саноат корхоналари томонидан илмий ташкилот ва таълим муассасаларига вақтинча ёки бегараз берилган ускуна ва жиҳозларни мол-мулк солиғидан озод этиш каби преференциялар ҳам шулар жумласидандир.

Семинарда «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган давлатлар қонунчилиги ўрганилгани ва уларнинг ҳеч бирида ушбу фаолиятни тартибга солишчи аниқ бир қонун йўқлиги таъкидлангани. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб мазкур фаолиятни тартибга солишчи қонуннинг ишлаб чиқилиши яратилаётган ҳар бир инновациянинг эътибордан четда қолмаётганлиги ва унинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётганлигидан далолатдир.

Ойбек ТОЖИБОВ,
«Адолат» мухбири

Партиядошимиз барпо этган боғ

Давоми. Боши 1-бетда

«Адолат» СДП аъзоси Дилшод Салимов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер ҳўжалигида 600 гектар майдонда дарахтларни томчилаб суғоришга асосланган интенсив боғ барпо этилган. Оҳалик тоғ ёнбағридаги пастбаланд ерларни текислаб ўтказилган пакана навли мевали дарахтлар иккинчи йилдаёқ ҳосилга кирди. Фермер ҳўжалиги аъзолари бир ярим минг тоннадан ортиқ олма, шафтоли, қароли, гилос сингари сархил мева махсулотларини харидорларга етказиб бердилар. Таннарх, даромад кутилганидек бўлди.

— Биз ҳам 22 гектар майдонда дехқончилик қиламиз, — дейди партиядошимиз тажрибаси билан чиққан Гурлан туманидаги «Сеvara Феруза» фермер ҳўжалиги раҳбари Тамара Холметова. — «Оҳалик олтин боғлари»даги жаннатмакманзарани қўриб самарқандлик ҳамкасбим билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишиб олдик.

Дарвоқе, бу партиядошимиз Дилшод Салимов учрашган ва ундан ўз тажрибаси ҳақида сўзлаб беришини сўраган биринчи киши эмас. Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, «Оҳалик олтин боғлари» Самарқандда ва чекка вилоятларда интенсив боғ яратишга жазм этганлар учун ўзига хос тажриба мактабига айланган. Вилоятнинг Жомбой, Булуғун туманларида барпо этилган пакана, ҳосилдор боғларнинг нусхаси айнан шу ердан кўчириб олинган.

Дилшод Салимов хоразмлик меҳмонларга Греция, Польша ва Украинадан келтириб ўтказилган дарахт кўчатлари курғоқчилик шароитига анча чидамли эканлиги, меваси йирик, сифатли бўлиши, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 90 тоннадан ташкил этиши мумкинлигини сўзлаб берди. Де-

мак, интенсив боғлар тармоғи кенгайса, халқимизнинг озиқовқат махсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжи тўлароқ қондирилади.


— Биз бошлаган иш партиямизнинг дастурий гоёларига тўла мос келади, — дейди «Оҳалик олтин боғлари» қошидаги бошланғич партия ташкилоти аъзоси Икром Кўзиев. — Шу боис ўз ташаббус ва изланишларимиз билан вилоятдаги кўпроқ фермерларни интенсив боғ яратишга даъват этаёпмиз. Уларга янгиликни жорий этиш механизмларини тушунтириб бораёпмиз.

«Адолат» СДП Самарқанд туман Кенгаши раиси Зухра Қуддусованинг таъкидлашича, иқтисодиётга янги сифат ўзгаришларини бағишлай оладиган инновацион ишланмаларни бевосита амалиётга татбиқ этишда партия фаоллари доимо масъул. Ўз навбатида партия Кенгаши бундай ҳаракат ва ташаббуслар бошқарув идоралари, банк-молия муассасалари томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланишига эришиш учун ўз ваколатларини ишга солиб келмоқда. Мақсад — янги ишнинг натижаси учун умумий манфаатдорлик ва масъулият пайдо қилишдан, ташаббусга қанот бағишлашдан иборат.

Дарвоқе, 150 киши меҳнат қилаётган, шулардан аксарияти «Адолат» СДП аъзолари ҳисобланган «Оҳалик олтин боғлари» фермер ҳўжалигининг эртанги куни янада порлок, истиқболли. Чунки бу ерда замон талабини, кишлоқ ҳўжалигидаги янгилашлар моҳиятини чуқур илға олган маслакдошлар жамланган. Уларга меҳнатнинг янада баракали бўлсин, сиздан ибрат олаётган кишиларнинг сафи тобора кенгайсин деймиз.

Суратда: партиядошимиз Д. Салимов.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири



Халқаро ҳамкорлик самараси

Божхона бекати

Божхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — контрабандага қарши курашишда замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, ижобий натижаларни кўтиб бўлмайди. Гиёҳвандлик ва психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи заҳорли ва заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портлатувчи қурилмаларни фох этишда замонавий рентген аппаратлари, гиёҳванд моддаларни идентификациялаш ва радиациян назорат қилиш воситалари, автомобиль тарозилари, мураккаб қўриқдан ўтказиш оптикаларидан фойдаланиш тобора кенг йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постларини катта ҳажмдаги юк ва автотранспорт воситаларини, темир йўл вагонларини сканер қилувчи қурилмалар билан таъминлаш мақсадида хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш бўйича Давлат божхона қўмитаси томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Япония томонидан Давлат божхона қўмитасига «Ўзбекистон Республикаси чегара божхона постларини сканер қурилмалари билан таъминлаш» Лойиҳаси учун грант ажратилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси чегара божхона постларини рентген сканер қурилмалари билан таъминлаш» Лойиҳасининг 5,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги I босқичида 2011 йилнинг февраль ойида Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Ойбек» ва Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг «Айритом» божхона постларига катта ҳажмдаги юк ва автотранспорт воситаларини сканер қилувчи қурилмалари етказиб берилган эди.

Лойиҳанинг II босқичи Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг «Галаба» темир йўл божхона постини темир йўл вагонларини сканер қилувчи қурилма билан таъминлашга қаратилган 4,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги грантни ўзлаштиришдан иборат бўлиб, шу мақсадда 2010 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон чегара божхона постларини сканер қурилмалари билан таъминлаш мақсадида Япония ҳўкумати томонидан тақдим этилаётган грантдан самарали фойдаланишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Қарор ижросини таъминлаш ва грант маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида халқаро тендер савдолари асосида Давлат божхона қўмитаси ва Япониянинг тегишли компаниялари ўртасида грант маблағлари асосида сканер қурилмаларини сотиб олиш, етказиш ва хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди. Шартномага кўра, яқинда Сурхондарё вилояти божхона

бошқармасининг «Галаба» темир йўл божхона постига сканер қурилмалари етказиб берилди.

Шу муносабат билан мазкур божхона постида ташкил этилган сканер қурилмаларини топшириш ва қабул қилиш маросимида Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ё.Куроода, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва турли компаниялари вакиллари, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўзаро ҳурмат ва самимий руҳда ўтган тадбир давомида кунчиқар мамлакат вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга, хусусан, мамлакат тараққиёти ва унинг иқтисодий хавфсизлиги учун хизмат қилувчи божхона соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган катта қўламли ишларни юксак баҳоладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланиб бораётганлиги иккала томоннинг турли йўналишдаги қўллаб-қувватлаш бўйича ёндашув ва қарашларнинг ўхшашлиги билан изоҳланса, яна бир жиҳати, томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, сармолавий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги аниқлаш бўлиши, барқарор шериклик алоқаларида намоён бўлади. Мазкур йўналишдаги ишлар эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг, мантикий давомидир.

ДБҚ матбуот хизмати

«Қалдирғоч лойиҳа»

Наманган вилоятида қайта ишлаш ва тайёр махсулотни тайёрлаш учун сут йиғиш маркази ташкил этилади. Ушбу ташаббус Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми (2 фаза)» лойиҳасининг фермерлар ва уй ҳўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган сутни узлуксиз равишда сотиш учун шaroитларни ташкил этиш бўйича қалдирғоч лойиҳаси ҳисобланади.


Марказ Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги фермер ҳўжаликларида бирининг базасида ташкил этилмоқда. Шу муносабат билан ноябрь ойи охирига «Ўзбекистон Бизнес Форуми (2 фаза)» лойиҳаси кўмагида сут махсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер ҳўжалигига ускуналар етказиб берилади.

Аҳолидан сут одатдагидек кунига бир марта эмас, балки ҳар бир соғиндан кейин кунига уч марта йиғилиши лойиҳанинг инновацион элементи

ҳисобланади. Бу сут миқдорининг сифати ва фойдалигини оширади. Шу билан бирга, махсус асбоблар ёрдамида сутнинг сифати текшириб борилади.

Бундан ташқари, Косонсойдаги сут йиғиш маркази ем-хашак сотиб олиш, ветеринария хизматларини кўрсатиш ва уй ҳўжалигини юритишга ўргатиш билан ҳам шуғулланади. Ушбу лойиҳа республиканинг бошқа вилоятларидаги кишлоқ аҳолиси орасида оммалаштириш учун намуна бўлиши кутилмоқда.

Вокзал капитал таъмирдан чиқарилди



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси Хоразм вилоятидаги Урганч темир йўл вокзалини фойдаланишга топширди.

Капитал таъмирлаш давомида вокзалнинг биноси, вокзал атрофидаги ҳудуд ва перрон янгиланди. Бу ерда йўловчилар учун барча шарoитлар яратилган. Дам олиш хонаси кондиционерлар, телевизорлар ва замонавий мебель билан жиҳозланган. Йўловчилар учун туну-кун она

ва бола, ошхона ва тиббий хоналар ишлаб турибди. Хабарларга кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Самарқанд — Бухоро — Урганч йўналишига тезкор поездни қўйиш учун Урганч ва Бухоро ўртасидаги темир йўл линиясини реконструкция қилишни режалаштирган.

Қонун барчага баробар

Шу йилнинг ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш ва уларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлаш борасида жойларда 10 014 та назорат тадбири ўтказилди. Уларда 33 401 та автотранспорт воситаларининг фаолияти текширилиб, шундан 15 455 та ҳолатда жисмоний шахслар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Назорат тадбирлари натижасида 14187 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан тўпланган ҳужжатлар белгиланган тартибда суд идораларига ва 261 та қондабузарлик ҳолатлари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Шундан суд органлари томонидан 13 609 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жараима қўлланилиб, 206 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Давлат солиқ қўмитаси маълумотига кўра, айни кунларда жойларда, солиқ органлари манфаатдор идоралар билан Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган, йўналишсиз таксиларнинг техник ҳолати ва асбоб-ускуналарининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташқи ва ички маълумотларга эга



бўлиш талабларига мувофиқлигини назорат қилиш борасида қўшма рейд текширувлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш ва уларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлаш борасида амалий ва ташкилий ишларни ҳам амалга ошираётир.

Жумладан, йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташқи соҳасида яратилаётган қулай шарт-шaroитлар тўғрисида жойларда қарор моҳиятини кенг тушунтириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Инновация — халоскор куч

у инсониятга фаровонлик, тўкин-сочинлик олиб келади, очлик-қашшоқликдан қутқаради

Иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар ва дунё мамлакатларида тобора авж олаётган нотинчлик, қолаверса, инсон омили билан боғлиқ бошқа муаммолар озиқ-овқат масаласининг долзарблигига сабаб бўлаяпти. Маълумки, жуда кўп мамлакатлар 1940-1970-йиллар орасида яшил инқилобни бошидан кечирган. Тадқиқот ва янги технология қишлоқ хўжалигида ўсишни таъминлади, камбағал мамлакатларда бир миллиард одамнинг моддий ҳолини яхшилади. Шунга қарамай, бүгун ҳам қатор давлатлар озиқ-овқат танқислиги, очлик ва қашшоқликка қарши курашишга мажбур. Сурүнкали равишда оч одамлар сони бир миллиарддан ошган. Шундай бир шароитда эксперт ва мутахассислар ушбу масала юзасидан турлича фикрлар.

“Нонга зор миллиард инсон” китоби муаллифи Гордон Конвейнинг дунё аҳлини тўйдириб бўладими, деган саволга жавоби ижобий. — Фақат қадамларимизни ўйлаб боссақ, дунё аҳли қорнини тўйдира оламиз. Етарли ёрдам ва сармоя ажратиш, янги технологиядан фойдаланиш керак. Фермерларни ва оилани боқувчиларни қўллаб-қувватласак ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашсак, марра бизники, — дейди у.

Бугунги куннинг энг дахшатли фожиаларидан бири бу — болалар орасидаги очарчилик. Дунёда беш ёшга етмаган 170-180 миллион бола ўсишда оқсиди, яъни бўйи нормадан паст. Нега? Чунки улар сифатли, фойдали овқат емайди, организмларида А витамини, рух ва темир моддаси кам.

Турри, яшил инқилоб даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқотлар ўтказилиб, янги технологиялар қўллана бошлагани яхши натижа берди. Айниқса, Жанубий Осиё, хусусан, Ҳиндистонда дастур самараси мақтовга лойиқ. Бироқ айрим минтақалар, масалан, ривожланишдан четда қолиб кетган Африкада янги инқилоб бошлаш вақти келган.

Албатта, бу жараёнда экология масаласи ҳисобга олинмиш керак. XX асрнинг яшил инқилоби даврида экология инobatга олинмаган. Энди эса маҳсулот ва ҳосилдорлик деб, табиатни кўр-кўрона қийратишининг кераги йўқ. Иқлим ўзгараётган паллада табиатни асраш муҳим, дейди мутахассислар.

Дунё аҳолиси ўсишда давом этмоқда, БМТнинг билдиришича, 2050 йилга бориб сайёрамиз эҳди йўлига миллионларга етади. Демак, озиқ-овқат таъминоти муаммоси янада долзарблашади.


— Одамларни тўйдирмоқчи эканмиз, инновация, бозор иқтисоди баробарида одамларга эътибор бериш керак, — дейди мутахассис Конвей.

Таъкидлаш керакки, дунё қашшоқларининг аксарияти, аниқроғи 80 фоизи йўқсил мамлакатларда эмас, ўртаҳол юртларда яшайди. Халқаро мезонларга кўра, камбағал деганда даромади кунига бир доллардан кам одам тушунилади. Бундайлар дунёда 2,5 миллиард киши. Уларнинг 2 миллиарди ўртаҳол, 500 миллиони эса камбағал давлатларда яшайди.

Саксес университетини қосидаги Тараққиёт тадқиқотлари институти профессори Энди Самнер фикрича, сўнгги ўн йил мобайнида кўп мамлакатларда ўртача даромад анча ошди. Лекин башоратларга қарамай, камбағаллик кўлами пасаймади.

Покистон мажбурий таълимни жорий этди

Покистон парламенти куйи палатаси сешанба куни 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган барча болалар учун бепул таълимни кафолатловчи қонун лойиҳасини маъқуллади.



инсоният ишлаб чиқарганидан кўра кўпроқ истеъмол қилмоқда экан. 2012 йилда АҚШ, Австралия, Россия ва бошқа озиқ-овқат экспорти билан шуғулланидиган давлатларда ҳосилдорлик чўғининг камайиши глобал очарчилик хавфининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Дон ва маккажўхори нархлари дунёнинг 25 мамлакатидоимавий тартибсизликлари келтириб чиқарган 2008 йилдаги каби юқори даражага кўтарилган. Жаҳон озиқ-овқат тақсироти нотенгликка эътибор қаратилмас экан, кўзланмақсада эриша олмаймиз.

Save The Children ўтказган тадқиқотга кўра, дунёнинг ривожланаётган 32 мамлакатининг аксарияти 1990 йилдан буён давлат даромадининг болаларга тегадиган улуши кўпайган. Ушбу мамлакатларнинг бешдан бирида йўқсиллар даромади мазкур давр ичида озайган. Даромад тақсимотидаги фарқ, айниқса, болалар турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, ҳисоботда таъкидланишича, Танзанияда бой оилаларда туғилган ҳар минг нафар бола орасидаги ўлим 135 тадан 90 тага камайган бўлса, йўқсил оилаларда дунёга келган ҳар минг нафар бола орасидаги ўлим 140 тадан бор йўғи 137 тага тушган.

Шундоқ ҳам БМТ маълумотларига она-сайёрамизда ҳар кун қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлаётгани, уларнинг 60 фоизидан зиёдини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этаётгани тилга олинаётди. Бу ҳар 5 сонияда бир гўдак очлик қурбонига айланаёпти, деганидир.

Воқеликни чуқур ўрганган иқтисодчилар останада ҳавф солиб турган жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган яна бир неча омилларни тилга олмақдалар. Улар орасида иқтисодий ва экологик вазият алоҳида ажралиб туради. Зеро, сўнгги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўсгани ҳолда агробизнес устубларининг ўзгармай қилиши нафақат майда фермерларга, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам мисли кўрилмаган даражада зиён етказди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигининг келажаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак. Кейинги 40 йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген тех-

нологияларнинг қўлланилиши оқибатида сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми ярқисиз аҳволга келиб қолгани, айниқса, ачинарлидир.

Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди, десак, хато бўлмайди. Чунки ер юзи аҳолиси сони кун сайин ошиб бораёпти. Хуллас, жаҳон ҳам-жамияти яна бир жиддий синов оstonасида турибди. Бу, албатта, инсониятни ягона хулосага, аввало, табиат, сув, ноз-неъматлар қадрига етиш, унинг ёзилмаган қонунларига зид тарзда иш юритмасликка, экологияга риоя этиш, халқаро муносабатларда адолатли, ўзаро манфаатларга асосланган сиёсат юритишга чорламоқда.

Дунёда мана шундай мураккаб жараёнлар давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда нарх-навоининг кескин ўсишига йўл қўйилмаётгани, боз устига, 7 миллион 170 минг тонналик улкан галла хирмони бунёд этилгани, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилган республикада инсоннинг қадр топаётгани, инсон манфаатлари олий қадрият эканининг яна бир нишонасидир.

Энг муҳими, истиқлолнинг ўтган қисқа даври мобайнида Ватанимиз галла мустақиллигини қўлга қиритиб, нафақат ўттиз миллионли халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айни пайтда четга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга эришгани ҳам эртанги кунимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам дунёда кечаётган жараёнлардан хулоса чиқарган ҳолда инновацион иқтисодий таъминоти, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби дастурий ғояларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини кенгайтираверади.

Илес САХАТОВ

ЮНИСЕФ болаларни барабар эмлашга чақирмоқда



Бунинг учун етарли маблағ ва имконият бор, дейилади БМТ муассасаси бўлими ЮНИСЕФ баёнотида. Зотилжам ёки пневмониядан бошқа касалликларга қараганда дунё бўйлаб энг кўп бола ҳаётдан кўз юмади. ЮНИСЕФ ҳисоботида кўра, зотилжам ҳар 25 сонияда бир нафар бола ҳаётига зомин бўлмоқда. Бир кунда 3400, бир йилда эса 1,3 миллион бола шу хасталик туфайли ҳаётдан кўз юмади. Агар ҳисоб-китобларга эътибор берсак, ўтган йили жаҳон бўйлаб нобуд бўлган 6,9 миллион боланинг 18 фоизига зотилжам сабаб бўлган.

Ҳар бир касаллик каби, зотилжамнинг асосий қурбонлари қашшоқ оилалардан чиққан гўдақлардир. Бундай оилаларда муолажа ва дорилар учун пул йўқ. ЮНИСЕФ вакили Марикси Меркадонинг айтишича, жаҳонда бу дарддан ўлаётган болаларнинг 90 фоиздан ортиғи Африка қитъасидан.

Пневмония нафас олиш йўллариининг яллиғланиши бўлиб, қизамик ва кўкйўтал каби юқумли касалликлар оқибатида вужудга келади. Буларнинг олдини олиш учун жаҳондаги болаларнинг 85 фоизи эмланади, аммо қашшоқ оилаларга вакциналар етиб бормайди ёки уларни сотиб олиш учун маблағ етишмайди. ЮНИСЕФ давлатларни барча болаларни бирдай эмлаш дастурини қабул қилишга чақирмоқда. Вакцина ва антибиотиклардан ташқари, дейди соғлиқни сақлаш мутахассислари, тоза ичимлик суви, озодалик, хонани мунтазам равишда шамоллатиш, гўдакни эмизиш қабилад ҳам касалликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Деҳли қўшнилари билан муносабатларни мустаҳкамламоқда



Деҳлидаги Оммавий ахборот воситалари тадқиқотлари маркази таҳлилчиси Баскар Рао фикрича, 58 ёшдаги тажрибали, мусулмон дипломат Ҳиндистоннинг Покистон билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган уринишларини бошқаришга қодир шахс.


Маълумки, 2008 йилда Бомбейга ҳужумлар рўй берганидан кейин икки қўшни давлат алоқаси совуқлашган эди. Шунга қарамай, Салман Хуршид келажаққа умид билан боқишини айтди. Ҳиндистон ва Покистон ришталари учун мустаҳкам асос бор, дейди вазир. Шунингдек, С.Хуршид Деҳлининг Пекин билан алоқалари яхшиланиши керак, деган фикрда. Имкониятлар бепоян, дунёдаги янги иқтисодий вазият эса Ҳиндистон ва Хитой бирга ишлаши кераклигининг яна бир исботи, дейди вазир.

Европада норозилик намоишлари



Ишсизлик даражаси 25 фоизга етган Испанияда иш ташлашлар сабабли транспорт қатнови тўхтаган, мактаблар ёпилган. Франция, Испания, Португалия, Италия, Греция ва Европанинг бошқа мамлакатларида ишчи ўринларининг қисқартирилгани, ойлик ва нафақалар камайтирилгани кўпгина одамларни, айниқса, кам таъминланган аҳолини анча мушкул аҳволга тушириб қўйган. Халқаро валюта жамғармаси иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган Греция, Испания, Португалия, Италия каби мамлакатларга ёрдамлар бериш учун қатор талабларни қўйган. Давлат харажатлари устидан кучли назорат ўрнатиш шу талабларнинг биридир.

Венециянинг 70 фоизи сув остида



Оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга қараганда, Венеция ҳудудининг 70 фоиздан ошиғи сув остида қолган. Шаҳар марказига резина этикларсиз бориб бўлмайди. Сув сатҳи аллақачон дениз сатҳидан 150 сантиметр баландликка кўтарилган.

Одатда Венецияда сув баҳорда ва кўкламда кўтарилади. Мутахассислар яқин йиллар ичида турли тўсиқлар тизими воситасида шаҳарни сувдан ҳимоялашни режалаштиришмоқда.

Асал — табиатнинг ноёб неъмат

Билиб қўйган яхши

Одамлар жуда қадим замонлардан бери асаларичилик билан шуғулланиб келишади. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, асал ва мум етказиб берадиган бу жонотларни бугун худди сайгоқ, бўри ёки бошқа ёввойи ҳайвонларни овлагандек овлашган. Кейинчалик эса асаларичиликни ўрганиб олиб, бу соҳадан жуда катта даромад топишган.

Асалари маҳсулоти бўлмиш табиий асал, бачадон сути, асалари елими (прополис), гулчанги ва бошқалар она-табиат яратган ноёб неъматлар бўлиб, уларнинг ҳар бири бетакрор шифо сифатида инсон организмга салбий таъсир кўрсатмайди.

Олимларнинг узоқ йиллик илмий изланишлари натижа-сида асаларилар бизнинг сайёрамизда ибтидоий одамлар пайдо бўлишдан 50 миллион йил аввал пайдо бўлгани аниқланган. Яна шу нарса аниқ бўлганки, одамлар ўша вақтлардаёқ, асалнинг шифобахшлигини билиб, уни арилар ин курган дарахтлар қавағидан олиб, озик-овқат ёки малҳам сифатида истеъмол қилганлар. Қадимги Мисрда асал табобатда кенг қўлланилган. Бунинг ёрқин мисоли, Тутанхамон қабрини очишганда, унинг ёнидан ичига қандайдир қуюқ модда бўлган сопол идиш топишган. Кейинчалик олимлар бу суюқлик асал эканини аниқлашган. Ўша даврларда ҳалок бўлган ёки бирор касаллик туфайли оламдан ўтган болаларнинг жасадини асалга ботириб олиб қўйиш урф бўлган. Миср, Эрон ва бошқа мамлакатларда таниқли кишилар, масалан, ҳарбий саркардаларни, қабил бошлиқларини дафн этишда ари мумидан фойдаланишгани ҳам фанга маълум. Бу мамлакатлар халқ табобатда қўлланиладиган дори-доруларнинг кўпчилиги тарихида асал муми бор бўлиб, бу тажриба вақт ўтиши билан бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган. Қадимий қўлёзма манбаларда асал ва асалари маҳсулотларининг шифобахшлиги, куч-қудрат манбаи, узоқ умр кўриш гарови эканлиги кўп бор қайд этилади. Улардан бирида таъкидланишича: “Асал инсон организмни ички органларини соғломлаштириди, ҳароратни туширади... Асални доимий равишда истеъмол қилиш куч-қувватни оширади, тангага енгиллик бахш этади. Асал ёшартириш ва умрни узайтириш хусусиятига ҳам эга”.

Асални меъёрида ва мунтазам истеъмол қилиб юриш инсон организмни кўп жиҳатдан мустаҳкамлаши, руҳиятни тегишлатириши, ҳар хил касалликларга чалинишининг олдини олиши тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино бу тўғрисида кўп эътиборли хулосаларни ёзиб қолдирган. Жумладан: “Асал аъзолари-миздаги суюқлик ўтказувчи томирларни кенгайтириш ва тозалаш хусусиятига эга. У ички

аъзолардаги фасодни ҳайдаб чиқаради... Асал кўз хиралашишига дори... Томоқ оғриги (ангина)ни даволайди”, “Агар сен наҳорда анор, тушликда пилёз солинган овқат, кечаси ётиш олдида асал истеъмол қилсанг, қонинг кўз ёшидай тиниқ ва тоза бўлади”.

Абу Али ибн Сино гул ва асалари эҳсоли бўлмиш бу шифобахш ширинлик билан жуда кўплаб хасталикларни, жумладан, ошқозон-ичак, юрак, ўпка, жигар, буйрак, тери, асал тизими касалликларини даволаган.

Асалари ҳаётини яшаш тарзи одамни ҳайратга солади. Йилдода, тоқ ёнбағирларида юзлаб асалари уяларини кўришимиз мумкин. Лекин бу уялардаги ҳар бир ари оиласининг ўз тартиб-интизоми, қонун-қоида, маликалари, қочқин-химоячилари, ишчи-хизматчилари, тарбиячилари бор. Ҳар бир ари миллион йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тартиб-интизомига қатъий амал қилади, ўз вазифасини мукамал даражада бажаради. Уя оғзида турувчи соқчилар доимо ҳушёр. Улар ўз оиладошларини яхши танишади. Бегоналари, масалан, бошқа уя ариларини, қорққин ари ёки турли ҳашоратларнинг оилага яқинлаштиришмайди. Аммо “қуруқ қўл” билан келмаган, оғзида гулшира олиб келган бегона асалари ни бемалол ўтказиб юборишади. Бордию уядошларидан бири дангасалик қилиб, парвоздан қуруқ қайтса, таъзири-ни бериб қўйишади.

Илмий тадқиқотларга қараганда, бир томчи нектарни ишчи ари 120-140 марта ошқозонига ютиб, организмдаги ферментлар, органик кислоталар ва бошқа фойдали моддалар билан бойитади. Олимлар юз ва ундан ошқин йил умр кўрган кишиларнинг турмуш тарзи, овқатланиши ва бошқа характерли хусусиятларини ўрганиб, қизиқ бир хулосага келишади — бундай кишиларнинг кўпчилиги ҳаётлари давомида асаларичилик билан ҳам шуғулланишган экан.

Асалари қиш мавсумида уч-тўрт ой инидан ташқарига учиб чиқмайди, аммо ахлатини яшаётган уя ичига ташлаш-



ни ўзига эп кўрмай сабр қилади. Қиш қўзилиб кетса, қорни шийиб, ҳатто ҳалок бўлади ҳам.

Умуман олганда, олимлар асалари ҳаётини жуда узоқ йиллардан бери ўрганиб келадилар. Аммо улар оиласида таълим-тарбия, меҳнат интизоми ва тақсими, маълумот алмашиш, бир-бирларини турли ахборотлардан ўз вақтида хабардор қилиш, бугунги ибора билан айтганда, оғоқ этиш, ишга муносабат, ишқамаслик, дангасалик, фирибгарлик (инга кераксиз шира олиб келиш) учун жазо чоралари, инни тоза сақлаш, бегоналардан қўриқлаш, бола тарбияси, Она арига муносабат каби мукамал тартиб-қоидалар ҳаммани хануз ҳайратга солиб келади. Асалари оиласида ишлаган тишлайди, ишламаган — индан ташқарида қишлайди.

Асал — табиатнинг минг дардга даво неъматиде десак, муболага бўлмайди. Грипп, шамоллаш, тумов, сурункали ва ўткир ринит, ларингит, бронхит, астма касалликларини даволашда, иммунитетни оширишда асалнинг фойдаси катта. Юрак-қон томирларини қувватлантиришда, қандли диабетни даволашда, анемия (қон камайиши)нинг олдини олишда, овқат ҳазм қилиш тизими касалликларига қарши курашишда қадим-қадим замонлардан бери табиилар асалдан фойдаланиб келадилар. Ошқозонда кислота ошиб кетганда, уни меъёрга келтириш учун уни илиқ сувга араштириб, беморга ичирилади. Йўғон ичак яллиғланганда, ошқозонда яра пайдо бўлганда, жигар ва ўт пуфасида касаллик оламотлари сезилганда асал ёрдамга келади.

Бугунги кунда асаларичилик қишлоқ ҳўжалигининг муҳим ва серхосил тармоқларидан бири ҳисобланади. Арилар одамлар учун ниятда фойдали бўлган асал ва мум етказиб берилган билан бирга, ўсимлик гуллари-ни чанглатиб, қишлоқ ҳўжасида ҳосилдорликнинг оши-шини таъминлайди. Тажриба-лардан маълумки, бордию арилар беда, олма, нок, олча ва бошқаларни чангламаса, улардан ҳосил йиғиб бўлмайди. Ҳашаротлар ёрдамида чангла-

надиган энтомофил ўсимликларнинг гули шундай жойлашганки, уларни чанглаш учун асалари бу гулларнинг оналик қисмига қўниши зарур бўлади. Бундай ўсимликларга гре-чиха, кунгабоқар ва бошқалар қиради. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, асалари, масалан, ўн минг сўмлик асал йиғар экан, айна шу пайтда бир ярим миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етишишига сабаб-чи бўлади.

Асаларилар экинларни чанг-лантириб, ҳосилнинг мўл бўли-шига ҳисса қўшадилар, маса-лан, улар гўза ҳосилдорлиги-ни 15-20 фоизга ошириш-лари мумкин. Бу — олимлар то-монидан аниқланган факт. Дунёнинг жуда кўплаб мамла-катларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермерлар экинларни чанг-лантириб бериши учун асал-аричилар билан шартнома ту-зиб, уларга мўайян даражада ҳақ тўлайдилар.

Маълумотларга қараганда, асалариларнинг етишмаслиги сабабли, ҳар йили ўсимлик-лардаги 80-90 фоиз нектар қолиб кетар экан. Бу эса асал-аричиликни янада ривожлан-тиришга эҳтиёж борлигини кўрсатиб турибди.

Пахта майдонлари мамлака-тимиз экинзорларининг катта қисмини ташкил этади. Шун-дай экан, асалари оилалари-ни кўпайтириш, асаларичилик-ни ривожлантириш пахта ҳосилдорлигини оширувчи омиллардан бири ҳисоблана-ди десак, янглишмаган бўла-миз.

Асаларилар қатъий тартиб асосида оила бўлиб яшаши-ди. Ҳар бир оилага йил даво-мида ўзлари ва болаларини боқиш учун 80-100 килограмм асал, 25-30 килограмм гулчанг керак бўлади. Асаларидан да-ромад олиш учун ҳар қутди-да ёз ойлариде камида 130-150 килограмм асал тўплани-ши керак. Энди ҳисоблаб кўрайлик — асалари оиласи 100 килограмм асал тўплаши-учун арилар унга 400 кило-грамм нектар олиб келиш-лари зарур. Ҳар бир гул ўртача 0,05 миллиграмдан 0,9 милли-граммга нектар беришини инобатга оладиган бўлсак, асаларилар 1 килограмм асал

тайёрлаш учун 10 миллион дона гулга қўнишлари керак бўлади.

Энг ишчан ва соғлом ари оиласи гуллаш фасли яхши бўлганда бир кунда инига 5-12 килограмм нектар олиб келиши мумкин. Ишчи арилар учун энг қулай об-ҳаво +15-20 градус ҳисобланади. Куннинг жуда қаттиқ исиб кетиши ари-ларнинг парвозига, демакки, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, тоғ шароитида ҳаво ҳарорати оқшомлари +15 градусдан ту-шиб кетса, ўсимликларнинг не-ктар ишлаб чиқариши пасая-ди.

Қабул қилувчи асалари нектарни қайта ишлаш билан шу-ғулланади. Бу жараён ҳатто одамлар учун ҳам хайратла-нарлидир, чунки ширин суюқ-ликни асалга айлантиришда бир неча мураккаб босқичлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам-маси аъло даражада бажари-лиши керак. Тасаввур қилинг: нектарни қайта ишловчи ари суюқликни камиде 120-130 марта ичига ютади ва нектар таркибидеги сувни аста-секин буғлатиради. Кейин сувдан тозаланган нектарни катакча-га жойлаштиради. Шу билан нектар асалга айланиб қолмай-ди. Бунинг учун бошқа ишчи арилар уни яна бир неча мар-та катакчадан катакчага қайта-кайта олиб қўядилар.

Катакчалар тозаланган, зар-рарсизлантирилган, турли органик моддалар билан тўйинтирилган шира билан тўлдирилгач, ишчи арилар уларнинг оғзини мум билан қоплашади. 21-28 кунда асал пишиб этилади.

Бир ари оиласи бир мав-сум давомида, об-ҳаво яхши келса, гул мўл бўлса, 140-160 килограммгача асал йиғиши мумкин.

Тасаввур қилинг: ҳар бир ари умри давомида бор-йўғи 4 грамм асал, 1,5 грамм гул-чанг (нектар) тўплай олади. Бундан кўринадики, одамлар аввало ариларга ўзлари ва бо-лаларини боқиш, тўпланган ор-тикча маҳсулотини эса инсон-лар билан баҳам кўришлари учун ёрдам беришлари керак.

Бунинг учун асаларичилик би-лан шуғулланмоқчи бўлганлар жуда катта билим ва тажри-бага эга бўлишлари керак. Де-макки, асалари уясини сотиб олишдан олдин арилар оила-сининг яшаш тарзини, ҳаёт ке-чириш биологиясини, асалари боқиш ва уларни кўпайтириш технологиясини чуқур ўрга-нишлари, қандай касалликлар-га чалинишлари мумкинлиги-ни, уларга зиён етказадиган зараркунданларни билиш-лари талаб этилади.

Юқорида келтирилган та-лабларга қатъий риоя қилин-са, 1-2 йил ичиде ҳаваскор асаларичиларнинг ишлари юришиб кетиши шубҳасиз.

Ҳамма гап ушбу ишга ас-тойил меҳр қўйишда!

М. АҲМЕДОВ

Мағрур ҳилпирайвер, барҳаёт тимсол!

Давом. Боши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақил-ликка эришганидан сўнг хал-қимизнинг азалий эзгу нияти-ни акс эттирувчи рамзларни тайёрлаш вазифаси илгари сурилди. Шу мақсадда респуб-ликаимизнинг таниқли рассом-лари, тарихчи, санъатшунос, бадиий тасвир ва графика ус-талари, маданият ва санъат арбобларидан таркиб топган ишчи гуруҳ тузилиб, байроқ тасвири умумхалқ муҳокамаси-га олиб чиқилди. 1991 йил 18 ноябрда эса Республика Олий Кенгаши томонидан “Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Давлатимиз мустақиллиги рамзи ҳисобланган уч рангли: ҳаворанг, оқ, яшил рангли байроқ юртимизда муқаддас мавжуд бўлган қудратли сал-танатлар тимсоли каби улуг-ворлики, яъни юртимиз та-биатида хос хусусиятларни, халқимизнинг миллий-мада-ний, тарихий анъаналарини ўзида тўла акс эттирган. Ма-салан, байроқдаги мовий ранг мангу осмон ва борлик рам-зидир. Маънан у яхшилик, до-нишмандлик, ҳалоллик ва са-доқатни англатади. Оқ ранг эса тинчлик, беғуборлик, соф-лик белгиси ҳисобланса, яшил ранг — табиатнинг янгилиниш жараёни, саҳийлик, бағрикенг-

лик ифодаси. Қизил ҳошиялар эса вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётӣ қудрат ирмоқ-ларини англатади.

Кувонарлиси, айна пайтда байроғимиз фақатгина дав-латнинг тимсолигина бўлиб қолмай, балки унга миллий тимсол сифатида қараб келин-моқда. У иқтисодий, маданий, ижтимоий ютуқларини хориж-да тарғиб қилаётган халқаро кўргазмаларда, турли спорт мусобақаларида халқаро ҳам-жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзо-си ҳисобланмиш Ўзбекистон-ни муносиб намоён этмоқда. Европа, Америка, Осиё, Афри-ка қитъаларидаги турли дав-латлар пойтахтларида мағрур ҳилпирамқда. Байроғимиз ҳатто альпинистларимиз сайё-ҳаракатлари билан дунёнинг энг юксак чўққиси — Жамолунг-мада ҳам ўрнатилган. Бу биз-нинг қалбимизга чексиз гурур, фахр бағишлади.

Байроқ — республикаимиз-нинг муқаддас рамзи. У мам-лакатимизда қонун билан му-ҳофаза этилган. Байроқни ар-доқлаш, унга ҳурмат билан му-носабатда бўлиш ҳар бир фу-қаронинг шарафли ва муқад-дас бурчидир.

Дилором СУЛТОНМУРОДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Ҳамза туман партия Кенгаши
ранси

Тошкент FIDE «Гран-при»сини қабул қилади

2012 йил 21 ноябрдан 5 декабрга қадар Тошкентда FIDE Халқаро шахмат федерация-сининг шахмат бўйича гран-приси ўтказилади.

Унда жаҳоннинг 12 нафар энг кучли гроссмейстери ўзаро беллашади: “Юртимизда шахмат бўйича бундай юқори да-ражадаги шахмат турнири илк бора ташкил этилмоқда.

FIDE халқаро шахмат феде-рациясининг шахмат бўйича гран-приси 6 босқичда ўткази-либ, икки йил давом этади. Гран-прининг 6 босқичи бўйича энг яхши деб топилган 3 нафар шахматчи жаҳон чемпиони (амал-даги жаҳон чемпиони Вишвана-тан Ананд) билан учрашиш ҳуқуқи учун ўзаро беллашади. Жаҳон чемпиони уновни учун матч 2014 йилда бўлиб ўтади.

FIDE гран-присининг илк босқичи шу йилнинг сентябрь-октябр ойларида Лондонда ўтказилган эди. Иккинчи бос-қич Тошкентда қарши олинмоқ-да. Келгуси босқичлар эса 2013 йилда Лиссабонда, Мад-рида, Берлинда ва Парижда ташкил этилади.

Тошкентда ўтказиладиган халқаро шахмат федерация-сининг гран-присида Россия, Исроил, Украина, Куба, Венг-

рия, Хитой, Озарбайжон, Ита-лия каби мамлакатларнинг дунёга донгдор шахматчилари иштирок этишади.

FIDE халқаро шахмат феде-рациясининг гран-приси 21 ноябрь кун Тасвирий санъат галереясида очилади. Белла-шувлар 22 ноябрдан 4 декабр-гача давом этади. Гран-при ёпилиши ва биринчи уч ўрин-ни эгаллаган шахматчиларни тақдирлаш маросими 4 де-кабрь кун бўлиб ўтади. FIDE Халқаро шахмат федерация-сининг Мукофот фонди гран-прининг ҳар бир босқичи учун 170 минг еврони ташкил эта-ди (сумма барча иштирокчи-лар ўртасида тақсимланади). Гран-при доирасида мамлака-тимизнинг энг кучли ёшмир шахматчилари учун жаҳон да-ражасидаги гроссмейстерлар иштирокида маҳорат дарсла-ри тақдим этилади. Юртимиз-да ўтказиладиган FIDE гран-приси Халқаро шахмат феде-рацияси аъзоси бўлган 170 мамлакатга тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

Чекиш кўзга зиён

Хитойлик олимлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга қатракта тушиши — кўз хиралашишига олиб келиши мумкин, деб таъкид-ламоқда. Узоқ вақт олиб боришдан тадқиқот иш-лари натижасида маълум бўлишча, чекувчилар-да чекмайдиганларга нисбатан кўзининг ушбу тур-даги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори.

Хитойнинг Чжэцзян университети қошидаги Офтальмология институти вакилларининг сўзла-рига кўра, қатрактакининг ўз вақтида олди олин-маса, ёхуд тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис экспертлар чекишдан бутунлай фориғ бўлиш лозимлигини тавсия эт-моқда.

Узоқ умр кўрай десангиз, ичманг!

Франциялик олимлар мунтазам спиртли ичим-лик ичадиган одамлар бу каби маҳсулотни жуда кам истеъмол қиладиган ва умуман ичмайдиган кишиларга нисбатан 14 йил аввал инсульт ҳас-талигига чалиниши мумкин, демоқдалар.

Франциядаги Лилль университети ходимла-ри олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 60 ёшдан кичик бўлган “ичувчилар” инсульт ху-ружига учраганидан кейинги икки йил ичиде ҳаётдан кўз юмиши мумкин экан. Шифокорлар-нинг сўзларига кўра, спиртли ичимликларни кўп миқдорда ичиш оқибатида ёшлик чоғиде ҳам инсултнинг оғир турига дучор бўлиш хавфи бор.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Икбол МИРЗО, Мамазир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқиб бошлаган

Тахририят мазли: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 1100. Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз биними А-2. Адади — 5861. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.45

1 2 4 5

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 109

ISSN 2013-5217

9772013 521009

Бон муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибхона — 288-42-06 (148).

Набатчи муҳаррир — Улугбек РАҲИМОВ. Набатчи — Илос САХАТОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилади.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган 435-мактабгача таълим муас-сосида болжонлор яй-роби униб-ўсишлари, дам олишлари, билим олиш-лари учун борча шорт-шо-роитлар етарли даражада муҳайё этилган. Тажриба-ли мутахассис Азиза Мир-зоева мудирлиқ қил-ётган мазкур даргоҳдаги 12 та гуруҳда икки юздон ошқ кичкинтойлор таъ-лим-тарбия олишмоқда.

Икки ёшдан етти ёшгача бўлган болакайларга олий ва ўрта махсус маълумотли 18 пе-дагог масъул. Айниқса, Эльвира Фафурова, Надежда Усмонова сингари мураббийларнинг сама-рали фаолияти нафақат туманда, балки шаҳарда кўпчиликка ўрнак бўлари даражада.

Услубчи Ҳабиба Раззоқова, мусиқа раҳбари Ольга Кошелё-валарнинг жон куйдириб қилаёт-ган меҳнатлари ҳам ота-оналар-нинг самимий миннатдорлигига сазовор бўлмоқда.

Жорий йилда боғча бинолари томи тўлиқ таъмирдан чиқарил-ди. Иситиш тизими ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан реконструкция қилинди.

Меҳр оғушида



Боғча маъмурияти ҳам, ота-оналар ҳам озиқ-овқат таъмино-тидан ҳеч бир камчилик йўқли-гини таъкидлашади.

— Фарзандларимизнинг еб-ичишидан, бу ерда улар учун яратилган шарт-шароитлардан кўнглимиз тўқ, — дейди биз би-

лан суҳбатда фарзандини боғча-га олиб келган Дурдикул Қари-мова.

Худди шундай фикрларни Таи-са Наливкинадан ҳам эшитдик. Меҳр оғушида тарбия топаёт-ган жажжи ўғил-қизчаларимиз-нинг эртанги кунни янада порлоқ

бўлади. Томчида қуёш акс этга-нидек, биргина таълим муасса-сасида кўрганларимиз бизга шун-дай хулоса чиқариш учун асос бўлди.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири